www.ishonch-doverie.uz
2011-yil 5-aprel № 43 (2924) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Нохият

Маънавий жасорат аввало ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатда, унинг тақдири учун фидойилик кўрсатиб яшашда намоён бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно);

2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно);

кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

2. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш.М.Мирзиёев) назорат қилувчи идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларда қуйидагилар назарда тутилсин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилишни кенг жорий этиш;

(Давоми 2-бетда)

Яқинда Гулистон шаҳрида яна бир йирик корхонага асос солинди. Жорий йилнинг 21 март куни шаҳарнинг 3-мавзесида «Habibtex» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси ишга тушди. Юзлаб сирдарёликларнинг бошини қовуштирган мазкур корхонада харидоргир трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш қуввати ойига 100 минг АҚШ долларини ташкил этади. Маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади.

Муҳаммад КАРИМ олган сурат

Давра суҳбати

Ёшлар манфаати ҳимоясида

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Ўзбекистон КУФК Ёшлар кенгаши ва вилоят ташкилотларининг ёш фаоллари билан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида асосий эътибор Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмалари Ёшлар кенгашлари фаоллигини оширишга қаратилди.

Ёшларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, улар бандлигини таъминлаш, жамиятда ўз ўрнини топишларида кўмаклашиш масалаларига алоҳида тўхтаб ўтилди.

— Федерация кенгашининг II мажлисида белгилаб олинган устувор йўналиш ва вазифалар асосида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, бунда «Устоз-шогирд» йўналишидан кенг фойдаланган ҳолда уларни корхона, ташкилот ва муассасаларга бириктириш, бу орқали улар бандлигини таъминлаш масалалари ҳам долзарблигича қолмоқда, — таъкидлади бирлашма Ёшлар кенгаши раиси Э.Қамбаров. — Шунингдек, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янги иш ўринларини яратиш, уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий маслаҳатлар кўламини кенгайтириш ишлари муҳим вазифалар сирасига киради. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатида ёшларнинг бўш вақтларини унумли ва мазмунли ўтказиш мақсадида касаба уюшма ташкилотлари томонидан маънавий-маърифий тадбирлар сифати ва савиясини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда спорт мусобақаларига ёшларни кенг жалб этиш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўртага ташланди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот котиби

Янги кун янгиликлари

Кредит эвазига

«Ҳамкорбанк»нинг Балиқчи тумани Чинобод филиали мижозларга ишлаб чиқариш ҳамда савдо соҳасини ривожлантириш учун 26 йўналишда кредит ажратди.

— Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фаровонликка хизмат қилиш демакдир, — дейди банк бошқарувчиси Малоҳат Яхшибоева.

Тадбиркорлардан А. Бердимуродов, А.Собиров, А. Фозилов ва «Ҳожи ота» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси банкдан олган кредит эвазига маҳсулотлар турини янада кўпайтиришга киришишди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

ҚВПларга эътибор

Жиззах вилоятидаги мавжуд 174 та қишлоқ врачлик пунктларида 299 нафар врач, 148 нафар умумий амалиёт шифокорлари хизмат қилишяпти. Ўтган йили 98 та ҚВП ҳамда туман туғруқхоналари 85 турдаги тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

«Саломатлик» лойиҳаси доирасида барча туман шифохоналари компютер жиҳозларига эга бўлди. Оқар, Лайлануя, Саритепа, Учтургор, Тонготар, Дўсмат каби йигирмадан зиёд ҚВПларни мукаммал таъмирлашга 290 млн. сўм маблағ сарфланди. Ҳозирда 18 та ҚВП қошида дорихона, 58 тасида фитобар ишлаб турибди.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Ҳар оилада тадбиркор бўлсин

Хатирчи тумани Янгиработ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бўлиб ўтган ярмарка ана шундай номланди.

Туман ҳокимлиги, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси туман бўлими ҳамда меҳнат инспекторлари томонидан ташкил этилган мазкур ярмаркага минтақанинг моҳир тадбиркорлари, сандиқ, бешиксоз усталар, ҳунармандлар ва касаначи ишбилармонлар, шунингдек, ҳунар ўрганиш истагидаги ёшлар ташриф буюришди. Худди шундай ярмаркалар тумандаги 9 та қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилиб, ёшлар устоз-шогирдликка жалб этилмоқда.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

«Зооцирк» хусусий корхонаси

Шаҳрисабздаги «Халқ дорбозлари» гуруҳи раҳбари Саъдулла Мамадалиевнинг ташаббуси билан «Зооцирк» хусусий корхонаси ташкил топди. Туман ҳудудидан 4 гектар ер олиниб, 22 киши иш билан таъминланди.

Корхонанинг кўчма ҳайвонот боғида ҳайвонлар ва қушларнинг 34 дан зиёд тури бор. Ихлосмандларда шер, йўлбарс, Ўрта Осиё ва Европа айиқлари, Австралия туяқуши, бўри, чиябўри, жайра, бургут, ғажир, болтаютар ва товуслар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасига — 15 йил

Бу йил Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллудига 675 йил, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро Амир Темур жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги (1996 йил 14 март) қарори эълон қилинганига 15 йил тўлади.



Улуғ Соҳибқирон руҳин шод этиб

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузаларида белгилаб берилган ҳаётий тамойиллар асосида, яъни, Амир Темурни давлат арбоби, бунёдкор, илм-фан ҳомийси ва буюк саркарда сифатида ўрганадиган, тарғиб-ташвиқ этадиган жамғарма бир гуруҳ зиёлилар, таниқли тарихчи ва адиблар томонидан тузилган эди. Бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий фаолиятига доир кенг кўламда илмий тадқиқотлар олиб бориш, ўша даврга оид тарихий манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни нашр этишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш жамғарма олдида турган муҳим вазифаларга киради.

Шунингдек, Амир Темур ва унинг замони ҳақидаги бор ҳақиқатни кенг оммага етказиш йўли билан фуқароларни мамлакатимиз тақдири учун куюнчаклик руҳида тарбиялашга, ёш авлод қалбига Ўзбекистон истиқболидан фахрланиш ва ватанпарварлик туйғусини жойлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, жамғарма жамоат, давлат, илмий ва ижодий ташкилотларнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан Марказий Осиё халқларининг тарихи ва ҳаётини ўрганиш йўлидаги ишларини мувофиқлаштириш, темурийлар даври меъморчилик ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига ёрдам беришни ҳам назарда тутади. Бу борада жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги бўлимлари, шунингдек, Қозоғистон Республикасида Жанубий Қозоғистон бўлими қизғин изланиш олиб бормоқда. Жамғарма вилоят ва туман ҳокимликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Бадиий академияси, Темурийлар тарихи давлат музейи, олий ўқув юртлари, коллеж ва мактаблар, жамғармалар, турли давлат ва жамоат ташкилотлари, маданий муассасалар ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

(Давоми 4-бетда)

Жаннатмонанд юртга гўзал боғлар ярашади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойида делегатларнинг кўчат экиш, боғ яратиш юзасидан халқимизга Мурожаати айни муддао бўлди. Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига туҳфа сифатида 20 тупдан манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экиш кўтаринки руҳда олиб борилмоқда.

Боёвутда «Ishonch» боғи

Бу хайрли ишда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ҳам фаол иштирок этмоқда. Яқинда таҳририятнинг бир гуруҳ ходимлари Сирдарё вилоятидаги Боёвут туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда 1000 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экиб қайтишди.

— Келажакда севимли газетамиз ва коллежимиз фахрига айланадиган боғимизга яхши ният билан «Ishonch» номини бердик. Насиб этса, ҳамкорликдаги боғимиз ширидан шакар мевалари, бетакрор чиройи билан барчани хушнуд этади, — деди коллеж директори Нормурод Маматов.

Таъкидлаш жоизки, 1005 нафар ўқувчини ўз бағрига сиғдирган муассасада 87 нафар ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари фидойилик билан 7 йўналиш бўйича ёшларни касбга тайёрлаб келмоқда. Муҳими, ҳамкорликдаги боғ ўқувчи-ёшларни нафақат атроф-муҳитни асраб-авайлашга ўргатади, балки, авлодлар учун мусаффо табиатни мерос қилиб қолдириш ҳиссининг шаклланишига ҳам замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

солиқ қонунчилиги бузилишларининг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмини татбиқ қилиш;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий қўллашни татбиқ этиш.

3. Текширишларни бошлаш ва ўтказиш, хўжалик субъектларининг фаолиятини, шунингдек, банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа худди шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги қарорлар бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли Фармонларида белгиланган ваколатларга эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётганига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга йўналтирилган назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда қуйидагиларни таъминласин:

мазкур Фармон қоидаларининг мақсади, мазмуни ва амалий аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш;

давлат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолларини очиб берадиган, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган жавобгарлик чоралари тўғрисида радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни, республика ҳамда маҳаллий матбуотда мақолаларни чоп этишни мунтазам равишда ташкил этиш.

6. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш.М.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, бошқа назорат идоралари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ушбу Фармоннинг қоидалари тааллуқли бўлган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишни қайта кўриб чиқсин ва 2011 йилги текширишлар режасидан чиқариб ташласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 4 апрел

Касаба уюшма ва ёшлар

Соғлом рақобат тараққиётга хизмат қилади

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти вакиллиги кириб борган корхона ва ташкилотларда 9334 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда. Шундан 3024 нафари 30 ёшгача бўлганлардир. Ушбу корхона ва ташкилотларда ёшлар билан ишлаш комиссиялари тузилган бўлиб, жамоа шартномаларида ёшларни муҳофаза қилиш борасида қўшимча имтиёзлар, кафолатлар яратилиши ва уларнинг бажарилиши бўйича талай ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йил мисолида оладиган бўлсак, «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасида ишлаётган 5 нафар ёш ходимга санаторийларга имтиёзли йўлланма ажратилди. Ходимлар фарзандларидан 206 нафари Тошкент вилоятида жойлашган «Хумо» оромгоҳида соғломлаштирилди. Ишчи-ходимларни юртимизнинг тарихий жойларига саёҳатларини уюштириш анъанага айланган. Корхонада ишлаётган ёшларни касб жиҳатдан қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу мақсадларни амалга ошириш учун корхонага қараши Ўқув комбинатида йил давомида 304 нафар ёш ходим малака оширди.

«Жанубгазқурилиш» ОАЖда эса ишчи-ходимлар ўртасида шахмат-шашка буйича мусобақа ўтказилди. Корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан Урганч нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 нафар ўқувчига стипендия ажратилди. Жамоа шартномасида ходимларнинг магистратурада таълим олаётган фарзандларининг шартнома пулларини тўлаш, ёш оилаларга иморат қуриши учун темир-бетон маҳсулотлари нархини 50 фоиз камайтирилган ҳолда бериш кўзда тутилган.

Ўтган йили «Юггазстрой» ОАЖ корхонаси ходимларнинг 217 нафар фарзанди ҳам Тошкент вилоятидаги «Чоткол» болалар оромгоҳида соғломлаштирилиб, бунга корхона ҳисобидан 46 млн. 268 минг сўм сарфланди.

«Урганчнефтбаза» унитар корхонасида маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси билан тузилган жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзларни бажариш бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилган. Корхонада ёшларни касб жиҳатдан қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишлари йўлга қўйилган. Бу борада пойтахтдаги «Таъсис» ўқув маркази билан шартнома имзоланган.

«Хоразмэлектртармоқлари» ОАЖда янги иш ўринлари яратиш мақсадида тикувчилик цехи ишга туширилди ва 10 нафар ўғил-қиз иш билан таъминланди. 750 нафар ёш ходим иштирокида «Меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асослари ва унинг амалиёти», «Ёшлар — бизнинг келажагимиз», «Гиёҳвандлик ва СПИД-га қарши кураш» мавзуларида тадбирлар ўтказилди. Бу каби эзгу ишларда касаба уюшма ташкилотлари билан бирга ёшлар билан ишлаш комиссиялари ташаббус кўрсатмоқда.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

Наманган шаҳридаги «Мехмаш» очиқ акциядорлик жамияти харидоргир маҳсулот ишлаб чиқараётган истиқболли корхоналардан биридир.

2009 йилда корхонани реконструкция ва модернизация қилишнинг биринчи босқичи якунланиб, янги технологик линиялар ишга туширилди. Диаметри 15 миллиметрдан 127 миллиметргача, қалинлиги 1 миллиметрдан 5 миллиметргача, узунлиги эса 4 метрдан 12 метргача бўлган ўн беш турдаги металл қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу қувурлардан газ, сув хўжалигида, қурилишларда кенг фойдаланилмоқда. 2010 йилда корхона томонидан 9 минг тонна ёки 3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди. Корхонанинг турли ҳажмдаги металл қувурларига «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тизимидаги корхоналар, Навоий кон-металлургия комбинати асосий харидорлардандир. Ушбу нуфузли буюртмачилар билан ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётир. Шунингдек, корхона маҳсулотига хорижий давлатларнинг ишбилармонлари ҳам қизиқиш билдирмоқда. Бу тез орада «Мехмаш»нинг металл қувурларини ташқи бозорга чиқариш имконини беради.

Суратда: *(чапдан) цех бошлиғи Рустамжон Маҳмудов ва ишчи Машрабжон Мамажонов.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

Етакчи минбари

Элимизда байрамлар бисёр. Аммо файзу тароватда, саховатда, меҳру оқибатлиликда уларнинг ҳеч бири янгиланиш айёми — Наврўзга тенг кела олмаса керак. Она табиатнинг ўзи ҳам айнан ана шу кундан қудрат топаётганини сезгандек, бор гўзаллигини, тароватини кўз-кўз қила бошлади.

Меҳр-оқибат бор бўлсин

970 нафар аъзони бирлаштирган корхонамиз фаолиятида ҳам Наврўз байрами шукуҳи алоҳида сезилиб турибди. 9 та бошланғич ташкилот касаба уюшма қўмитасига бирлашган Навоий вилоят нурчилари ҳар оила, ҳар байрам шодликларида ўзларининг муносиб ўринлари борлигини яхши ҳис қилишади. Шунинг учун ҳам эрта-кеч, дам олиш ёки байрам онлари демасдан элимизга ёғду улашиш йўлида бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилишаётир.

Мадомики, ходимлар манфаати ҳимояси зиммамизда экан, бу ишончни имкон қадар оқлашга ҳаракат қиламиз. Шу кунларда нафақат аъзолар, балки уларнинг оилалари манфаати, фарзандлари сиҳат-саломатлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Биргина 2010 йил давомида 30 нафар ишчи-ходим республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклаб қайтишди. Фарзандларимизнинг ёзги болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришлари ҳам кўнгилдагидек амалга оширилмоқда.

Шавкат ТУРСУНОВ, Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

Қарор ва ижро

Маҳсулотлар талаб даражасида бўлади

Президентимизнинг «Андижон вилояти тураржой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида бунёдкорлик ишларига 1 трлн. 696 млрд. 90,1 млн. сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Бу йил вилоятда 670 та уйжой қурилади, уларга 30 млн. донадан ортиқ ғишт маҳсулотлари керак бўлади.

Асака туманида иш бошлаган «Андижон қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖнинг асосий таъсисчиси «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясидир. Ҳозир корхонада 80 минг дона ғишт ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, 50 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинди. Йилига 30 млн. дона ғишт ишлаб чиқарадиган ускуна Хитойдан олиб келинди.

Корхона маҳсулотлари қурилишнинг барча талабларига жавоб бериш билан бирга қишлоқларимизни кўркам уйлар билан безайди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Ҳудудий семинар

Меҳнат муҳофазаси таъминланмоқда

Самарқандда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан меҳнат муҳофазасига доир минтақавий ўқув семинар бўлиб ўтди.



Семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоят касаба уюшмалари меҳнат муҳофазаси мутахассислари, вилоят тармоқ кенгашлари раислари ва вакиллари ҳамда Самарқанд вилоят корхона ва ташкилотлари меҳнат муҳофазаси вакиллари иштирок этишди.

Мавзу юзасидан Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ойсулув Нафасова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ўрол Адилов, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари соҳа мутасаддиси Ботир Бекжонов ва бошқалар маъруза қилиб, тўпланган тажриба ва амалиётдаги фаолият ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Минтақавий семинар иштирокчилари Хоразм, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги ибратли ташаббуслар билан танишдилар. Шундан сўнг «Самавто» масъулияти чекланган жамиятида меҳнат муҳофазаси қай даражада таъминланганлиги кўздан кечирилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Гулистонда «Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари ва инсон ҳуқуқлари» мавзуида ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудирлари, тармоқ касаба уюшмалари вилоят, туман кенгаши раислари, вакиллар, йирик бошланғич ташкилотлар касаба уюшма қўмитаси раислари, вилоят ҳуқуқ-тарғибот, таълим, соғлиқни сақлаш, молия, солиқ идораси ва муассасаларининг масъул ходимлари иштирок этишди.

Ижтимоий адолат — устувор йўналиш

Анжуманни вилоят КУТБК раиси К.Оқбўтаев очар экан, бундай семинар илк бор ўтказилаётгани, кўзда тутилган асосий мақсад — касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш эканлигини таъкидлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг таълим бўлими мудири Мунира Самархўжаева мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг ҳам устувор вазифаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Фуқаролик жамияти билан биргаликда ижтимоий-ҳуқуқий давлат шакллланмоқда. Фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлатнинг битта умумий жиҳати мавжуд, бу — шахснинг юридик ва ижтимоий ҳимоялангани, — дея таъкидлади Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олия Юнусова. — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази — инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича миллий муассаса саналади. Марказ инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича барча халқаро ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатиб, муносабатларни ривожлантириб келмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси меҳнат техника инспектори Бозорбой Исматов, вилоят солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи Шуҳрат Алимуҳамедов, савдо ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакили Эргаш Бўриевларнинг меҳнат муҳофазаси, молиявий таъминот ва солиқ борасидаги ҳаётий муаммолар ва улар ечими юзасидан қилган маърузаларини йиғилганлар катта қизиқиш билан тинглашди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Бошланғич ташкилотларда

Корхонада катта тўй

«Косонсой пахта толаси» акционерлик жамиятида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб кўчат ўтқазиш ойлиги юқори савияда ташкил этилди. Корхона ҳудудида 242 туп манзарали, 168 туп мевали, 247 туп гул кўчатлари экилди. 4 гектар ерда янги боғ барпо этилмоқда.

Яқинда бу ерда «Сумалак сайли» ўтказилди. Байрам баҳона илғор ишчи-ходимлардан 45 нафари вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмасининг Ташаккурномаси ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шу куни корхонада узоқ йиллар ишлаган Неъматжон Дўстматов, Зокиржон Хомидов, Ҳабибулло Аҳмедов, Сирожхон Эшоновларни нафақага кузатиш маросими бўлиб ўтди. Жамоа шартномасига асосан уларга уч ойлик иш ҳақи миқдорида маблағ ажратилди.

Тадбирнинг энг қизиқарли ва ҳаяжонли қисми, бу Соҳибжон Раҳмоновнинг тўйига уланиб кетиши бўлди. Корхона маъмурияти ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тақдим этилган совғалар тантанани янада безади. Тўй бола отаси Эркинжон Раҳмонов, онаси Тўпахон Қосимова маросим ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Хушовоз хонанда Адолатхон Ҳомидова раҳбарлигидаги «Гулруҳ» ансамбли кечага ўзгача тароват бахш этди.

Яна бир гап. Корхона маъмурияти Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида касаначилик йўналиши бўйича 45 та янги иш ўрни яратишни ўз зиммасига олган. Бу ишга асосан ўтган йилларда тумандаги коллежларни битирган ёшлар жалб этилмоқда.

И.ШАРОФИДДИНОВ, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Косонсой туман кенгаши раиси

● Брифинг

Йўлларда юрт чеҳраси

«Ўзавтойўл» автомобил йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатимиздаги 42654 километр умумфойдаланувдаги автомобил йўллари, жумладан 3979 км. халқаро, 14069 км. давлат, 24606 км. маҳаллий аҳамиятга молик йўллар техник соз ҳолатда сақланиб, такомиллаштириб келинмоқда. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 2011-2015 йилларга мўлжалланган миллий автомагистралларни ривожлантириш бўйича дастурнинг амалга оширилиши юзасидан қилинган ишлар, истиқболдаги режалар тўғрисида журналистлар учун брифинг ташкил этилди.

— Тизимимиздаги ташкилот ва корхоналар томонидан ҳар йили ўртача 200-250 километрлик йўллар реконструкция қилинмоқда. 1500-2000 км. автомобил йўллари тўла ва ўрта таъмирдан чиқарилмоқда, — деди «Ўзавтойўл» ДАК раиси Шокиржон Шералиев. — Асосий мақсадимиз, автомобил йўлларини мамлакатимизда жадал ривожланаётган ҳаво ва темир йўллари билан мутаносибликда тараққий эттириб бориш, ҳудудимиздан ўтадиган халқаро савдо йўлларини жаҳон талабларига мослаштиришдан иборат. Президентимиз томонидан мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш юзасидан чиқарилган бир қатор қарорлар асосида мақсадли Дастурлар ишлаб чиқилган. Истиқлол йилларида халқаро ва давлат аҳамиятидаги 3722 км. янги йўллар қурилди ва таъмирланди. 1991 йилдан шу кунгача замонавий цементбетон қопламали йўллар узунлиги 21, асфальтбетон қопламали йўллар 1852, қора қопламали йўллар 542 км.га ўсиб, тупроқли йўллар 746 километрга камайди.

Хусусан, «Ўзавтойўл» ДАК томонидан 238 км. автомобил йўли икки тасмалидан тўрт тасмали йўлга ўтказилган. Айниқса, Навоий ва Ангрен логистика марказларининг ишга туширилиши, йирик лойиҳаларга хорижий сармояларнинг жалб этилаётгани автомобил йўлларга бўлган талабни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Президентимизнинг «2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация қурилиши инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тузилган Дастур асосида 2012-2015 йилларда 2306 км. йўллар қурилади ва таъмирланади. Бундан 1410 км. Ўзбек Миллий автомагистрали таркибидаги автомобил йўллардир.

Жумладан, Бейнов — Қўнғирот — Бухоро — Навоий — Самарқанд — Тошкент — Андижон йўналиши бўйича 1008 км. автомобил йўлини қуриш ва таъмирлаш мўлжалланмоқда. «Гулистон-Оҳангарон» автомобил йўлининг Сирдарё устидан ўтган кўприги тўлиқ таъмирланиб, унинг юк ўтказиш кўрсаткичлари оширилади.

Қамчиқ довонидан ўтган «Тошкент-Ўш» автомобил йўлининг 100 километрини қайта қуриш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, довондаги Қамчиқ ва Резак туннелларининг ёритиш, шамоллатиш ҳамда ёнғинни ўчириш тизимларини янгилаш ишлари бажарилади. 2012 йилда эса довондаги барча қурилиш ишлари тўлиқ якунига етказилиб, хавфсиз, замонавий, тўрт тасмали йўллар аҳолига хизмат қила бошлайди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

● Биздан сўрабсиз

Таҳририятимизга Қарши тумани 13-умумтаълим мактабининг бош ҳисобчиси М. Самиева таълим соҳасида меҳнат қонунчилиги муносабатларига оид бир неча саволлар билан мурожаат қилган эди. Ушбу саволлар Халқ таълими вазирлигига юборилиб, вазир ўринбосари О. Собировдан маълумот олинди.

Нафақани ҳисоблаш

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинадиган ҳақиқий иш ҳақига иш жойидан, суғурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари, жумладан, устама ва мукофотлар ҳам киради.

Ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақига қўшилиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади.

Ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган ойлар сонига кўпайтирилиб, нафақа миқдори аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 42-бандига асосан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Директор жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 275-сонли қарори, Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1534-сон билан рўйхатга олинган «Умумтаълим муассасалари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида»ги Низом ҳамда мактаб директорининг буйруғига асосан, умумтаълим муассасаларининг барча ходимлари ва директор ўринбосарларини йилига бир марта бир ойлик иш ҳақи миқдорида директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан мукофотлаш, шунингдек, фавқулодда ҳолларда моддий ёрдам кўрсатиш мумкин.

Мактаб директорларига ҳам шу тартибда, фақат юқори ташкилотнинг тавсияси билан директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан мукофот, шунингдек, моддий ёрдам тўланади.

Устама ҳақ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида»ги Низомга, шунингдек, Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1534-сон билан рўйхатга олинган «Умумтаълим муассасалари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида»ги Низомга асосан, умумтаълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга оширадиган ходимлардан ташқари, асосий касби бўйрукда ўқитувчи бўлган барча ўрнак кўрсатган педагог (жумладан, ўрта махсус маълумотли) ходимларга Махсус комиссия қарори билан ҳар ойлик устамалар тўлашга рухсат берилади.

Тараддуд

Сурхондарё вилоятида мавжуд оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, болаларни тўйимли озиқ-овқат билан таъминлаш, соғлигини муҳофаза қилиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Давлат ва нодавлат ташкилотлар ўзларига бириктирилган вазифаларни бажаришмоқда.

— Бу йил 11130 нафар бола ёз фаслида «Вахшивор», «Мироб», «Бушбулоқ», «Чашма-Тошпўлатбой», Холмуҳаммад Қулниёзов номли бир қатор оромгоҳларимизда ҳордиқ чиқаришади, — дейди, Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов.— Уларнинг 5930 нафари вилоят халқ ва ўрта махсус таълим бошқармалари, вилоят «Маҳалла» жамғармаси, 5200 нафари эса касаба уюшмалари бирлашмаси ҳисобидан дам олдирилади. Бундан ташқари, Термиз шаҳри ва туман халқ таълими бўлимлари тасарруфидаги умумтаълим ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида меҳнат қилаётган кам таъминланган педагог ходимларнинг 4330 нафар ўғил-қизлари мактаблар қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларда дам олдирилади.

Ўз мухбирмиз

● Йилқичилик

Сурхондарёда байрам сайллари, тўйлар кўпкарисиз ўтмайди. Томошанинг зўри от минган чавандозлар баҳсида кечади. Шу боис хонадонларда от боқиш, кўпайтириш ва парваришлаш азал-азалдан одат тусига кирган. Бозорларда отларнинг нархи ҳам баланд. Бугун воҳадаги кўплаб фермер хўжаликларида ҳам уюр-уюр зотдор отлар боқилмоқда.

Зотдор ва учқур

Маълумотларга қараганда, вилоятда 14.861 бош йилқи парваришланаяпти. Жумладан, Деновда 2990, Бойсунда 1743, Қумқўрғонда 1585, Сариосиёда 1529 бош зотли айғир, бия, қулунлар мавжуд. Йилқиси кўп тўрт туман номини бежиз тилга олмадик. Ушбу ҳудудда қир-адирлар бисёр. Қорамол, қўй-эчки боқиладиган яйловлар асосан шу ерларда жойлашган бўлиб, от чўпоннинг яқин йўлдоши, беминнат дастёри, оғирини енгил, узоғини яқин қилувчи жонивор сифатида ғоят қадрланади.

Сариосиё туманидаги «Улуғ сабо» кўп тармоқли фермер хўжалигидаги яйловларда 267 бош йилқи парваришланаяпти. Ҳолбуки, фермер хўжалиги ташкил этилган дастлабки йили улар сони 139 та эди. Охирги йилларда соҳага эътибор кучайтирилгани, жониворлар қарови намунали ташкил этилгани, сифатли ем-хашак билан таъминланаётгани туфайли отлар сони кўпаймоқда. Ўтган йили фермер хўжалигидаги 52 бош биядан 33 бош қулун олинганлиги фикримиз исботи.

«Улуғ сабо» фермер хўжалигига 2007 йили Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси томонидан қорабайир зотли отларни кўпайтириш бўйича наслчилик хўжалиги мақоми берилиши масъулиятни янада ошириб юборди.

Албатта, яхши қаров, сифатли ем бўлсагина жониворлар кўпаяди. Жамоа иш юритувчиси Қумриддин Насриддинов ва ҳисобчи Кенжа Наврўзов билан суҳбатда шу нарсани англадикки, йилқичилик фермер хўжалигига катта фойда ҳам келтираётир. Тоғолди бепоён яйловларда жониворлар учун ҳамиша ризқ етарли. Айниқса, баҳор серёғин келган йилларда ўт-ўлан кўпаяди. Йилнинг асосий қисмини яйловда ўтказадиган жониворларни бош йилқибоқар Абдуҳалим Ҳайитов ва ўғиллари Шаҳобиддин, Абдуманноп, мирохур Нуриддин Жўрабоев мутахассислар маслаҳатига таянган ҳолда зооветеринария талаблари асосида парваришлашмоқда.

Фермер хўжалигида йилқиларни қишдан беталофат олиб чиқиш учун пухта ҳозирлик кўрилди. Отлар сақланадиган бостирма ва қўтон атрофига 62 тонна дағал хашак, 20 тонна беда пичани, 24 тонна сомон, 30 тонна арпа ва бошқа озуқалар захира қилинди. 78 бош бўғоз бияларга қўшимча ем ва витаминга бой озуқалар берилаяпти.

Ўтган йилнинг охирларида фермер хўжалиги томонидан нархи бироз қиммат бўлса ҳам 2 бош инглиз-шотланд зотли айғир сотиб олинганди. Бири 4, иккинчиси 7 яшар бу отлар иқлимга анча мослашди. Уларга чавандоз, от боқиш ҳадисини ўзлаштирган Абдураим Мелибоев масъул. Айғирларни июн ойига бориб бияларга қўшиш мўлжалланмоқда. Демак, келгусида «Улуғ сабо» фермер хўжалигида қорабайир зотли отлар яна ҳам кўпаяди.

Сариосиёда йилқичилик билан шуғулланаётган фермер хўжалиги ягона эмас. Ғ.Бобоев бошлиқ «Мусурмон бобо» фермер хўжалиги яйловларида юз бошга яқин отлар парваришланмоқда. Бу ерда ҳам зотдор отларни кўпайтириш чоралари кўриляпти.

Дарвоқе, қорабайир зотли отлар нимага қодирлигини элда довруқ қозонган чавандозлар яхши билади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

● Қонун барчага баробар

Урганч шаҳрида истиқомат қилаётган айрим фуқароларнинг мурожаатларига асосан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси ходимлари томонидан аҳолини электр энергияси билан таъминлашда вужудга келаётган муаммолар атрофлича ўрганилди. Натижада, «Урганч шаҳар электр тармоқлари» билан шаҳар ҳокимлиги келишувига биноан тасдиқланган электр энергияси узатишдаги чеклашлар тартибига риоя қилинмаганлиги аниқланди.

Электрни узиб қўйишса...

Жумладан, келишувга асосан электр энергияси таъминотидаги узилиш давомийлиги кунига 1-2 соатдан ошмаслиги қайд этилган. Бироқ ҳақиқатда узилишлар 2 соату 25 дақиқадан 3 соатга қадар давом этган.

Шунингдек, Урганч тумани «Чаккашоликор» фуқаролар уюшмаси «Саричилар» маҳалласи аҳли ҳам электр энергиясида узилишлар бўлаётганлигини маълум қилди. Текширишлар кўрсатдики, Урганч тумани электр тармоқлари корхонаси томонидан туман ҳокимлиги билан келишилган электр энергияси узатишдаги чеклашлар графигига риоя қилинмагани оқибатида узилишлар 3 соат 15 дақиқадан 8 соат 30 дақиқагача давом этган.

Пировардида, «Хоразм электр тармоқлар» ОАЖ тасарруфидаги Урганч ШЭТ, Урганч ТЭТ корхоналари билан истеъмолчилар ўртасида тузилган шартнома шартлари ҳамда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари бузилган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича «Хоразм электр тармоқлари» ОАЖга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунига кўра энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида, «Урганч шаҳар электр тармоқлари»га нисбатан эса ҳудудий бошқарманинг кўрсатмаси бажарилмаганлиги сабабли энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима қўлланилди.

Иброҳим ЮСУПОВ,
ҳуқуқшунос

Эзгу мақсадлар учун



Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қанот ёзиб, мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ўтган йили ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоизи ушбу секторга тўғри келганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил учун қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазифаларга кўра, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш вазифаси тижорат банклари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди.

Бинобарин, соҳани ривожлантириш учун қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик фаолиятига янада кенг эркинлик бериш, энг аввало, унинг қонунчилик базасини такомиллаштириш шароит тақозосидир. Бу борада янги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш тўғрисидаги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича муаяйн ишлар амалга оширилаяпти.

2011 йилда банклар томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш ёки 3,6 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратиш чоралари кўрилмоқда. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада кенгайтириш деганидир.

Бунинг учун тижорат банкларининг ҳар бир филиалида тадбиркорлар хонаси ташкил этилиб, уларнинг банкмолия соҳасидаги янгиликлар билан

Имтиёзли кредит

танишиб бориши, ўз лойиҳаларини амалга ошириши, фикр-мулоҳазаларини баён этиши учун зарур имкониятлар яратилаётир.

Тижорат банклари томонидан Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг имтиёзли маблағлари асосан қишлоқ туманларида оилавий бизнес, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга йўналтирилиши белгиланган бўлиб, шунингдек, банк кредит ташкилотлари ҳам соҳага ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини 1,2 баробарга кўпайтириш ниятида.

Бундан ташқари, банклар имтиёзли хорижий кредит линиялари ҳамда грантларини истиқболли лойиҳаларга жалб этиш ва ўзлаштиришда фаоллик кўрсатмоқда.

Республика «Микрокредитбанк» биносида бўлиб ўтган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш борасидаги ишлар» мавзуидаги матбуот анжуманида республика Марказий банк бошқаруви раис ўринбосари Шуҳрат Ҳайдаров ана шулар ҳақида гапириб берди.

Сўнг «Микрокредитбанк» бошқаруви раиси Жамшид Файзиев банк ташкил этилганидан бери ўтган беш йил мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил тўхталди.

— Ўтган даврда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 343,5 млрд. сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Мазкур сармоялар эвазига республикамизда 300 мингтага яқин иш ўрни яратилди,— деди у, жумладан. — Банк ўзининг кичик ҳажмдаги сармоялари — микрокредитлари билан жойлардаги барча маҳаллаларга, олис овуллардаги оилаларгача кириб бораётир. Масалан, тадбиркор аёллар банкимизнинг энг фаол ҳамкорлари ҳисобланади. Тадбиркор ёшлар ана шулар сирасидан. Ўтган йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун 26,1 млрд., ёш тадбиркорларга эса 21,7 млрд. сўм миқдорида микросармоялар ажратилди. Жорий йил ушбу мақсадлар учун 156 млрд. сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 105 мингта иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти вакиллиги ҳамда вилоят халқ ижодиёти маркази жамоалари марказнинг етакчи мутахассиси Раҳматилла Саримсоқовга турмуш ўртоғи

Тамара САРИМСОҚОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Давлат мулкини ижарага бериш маркази томонидан Назаров Эркин Исанович номига 16.03 1993 йилда берилган 11-01/6019-рақамли уйга эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 5-aprel № 43 (2924)

Улуғ Соҳибқирон руҳин шод этиб

(Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Мустақиллика эришган халқимиз ўзининг буюк тарихини эмин-эркин ўрганиш, билиш, баҳолаш ва фахрланиш имкониятига эга бўлди. Шўролар даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан ёндашилиб, бир ёқлама баҳо берилди. Тарихимизнинг қадри тикланишида Президентимиз бош бўлдилар. Ватанимизда Соҳибқирон шахси ва фаолиятини ўрганишга кенг йўл очилди. Бугун Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни тикланиб, тарихий ҳақиқат рўёбга чиқмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда кўча, майдон, хўжалик ва саройлар унинг номи билан атала бошланди. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисазбда Амир Темурнинг муҳташам ҳайкаллари ўрнатилди, «Амир Темур ордени» таъсис этилди, Халқаро Амир Темур жамғармаси тузилди, Темурийлар тарихи давлат музейи барпо қилинди. Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. 1996 йил Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида тарихимизга бағишланган муҳташам кўргазманинг очилишида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади...

Жамғарма фаоллари ҳам мамлакатимизда тарихимизга, хусусан, Амир Темур фаолиятига бўлган ана шундай катта қизиқиш ва интилишга ҳамоҳанг кайфиятда изланишлар олиб бормоқда. Ҳар йили 9 апрелда Амир Темур таваллуди нишонланади. Тадбирда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, турли мамлакат элчилари, олимлар, олий ўқув юрти ва коллежлар ўқитувчи ҳамда талабалари иштирок этадилар.

Ҳар йили корхоналар, ҳарбий қисмлар, олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактабларда Амир Темур, Темурийлар даври, тарихи ва маданияти, Ҳазрат Соҳибқирон давридан қолган илмий-маънавий, маданий меросни ўрганиш ва уни халқимиз орасида тарғиб қилиш, ёшларимизни кўҳна тарихимиз саҳифалари, миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида тарбиялашга бағишланган турли тадбирлар, давра суҳбати, учрашув, мулоқот ва конференциялар ўтказилади. Шунингдек, ОАВда ҳам кўплаб чиқишлар уюштирилиб, Халқаро Амир Темур жамғармасининг фаолиятини кенг ёритиб бориш йўлга қўйилганлиги ҳам таҳсинга лойиқдир. Тадбирларда таниқли олим ва адиблари Абдулла Орипов, Ашраф Аҳмедов, Убайдулла Уватов, Акмал Саидов, Дилором Юсупова, Темур Ширинов, Нозим Ҳабибуллаев, Омонулла Бўриев, Ҳамидулла Дадабоев, Амриддин Бердимуродов, Мансурхон Олтинов, Пирмат Шермуҳамедов, Қозоқбой Йўлдош, Акрамбек Алимбеков, Тўлқин Ҳайит, Абдураҳим Эркаев, Шоҳиста Ўлжаева ва бошқалар иштирок этиши тадбирлар нуфузини оширмоқда.

Ўтган даврда мамлакатимизда ва жаҳонда (жумладан, АҚШ) Жамғарма фаоллари томонидан мингдан ортиқ учрашув ва мулоқотлар уюштирилди, 75 дан ортиқ илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Уларнинг ичида ҳар йили Қашқадарё вилоятида ўтадиган анжуманларни, Фарғона, Самарқанд, Урганч, Термиз университетларида ташкил этилган конференцияларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Жамғарма ва Навоий Давлат Педагогика институти олимлари ҳар йили Навоий шаҳрида «Амир Темур сабоқлари» тизимида анъанавий илмий-амалий анжуманлар ўтказишни йўлга қўйди. Шуниси қувонарлики, ҳар йили Тошкент, Самарқанд, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз, Фарғона, Термиз шаҳарларидан келган олимлар фаол иштирок этадиган анжуманлар маърузалари китоб ҳолида нашр этилади. Хозиргача умумий ҳисобда Амир Темур ва темурийлар даврига оид икки юздан ортиқ маърузалар тингланди, олтита тўплам босмадан чиқди. Шу ерда жамғарманинг Хоразм бўлими Маъмун академияси билан ҳамкорликда конференциялар материалларидан иборат иккита китоб нашр этилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Жамғармани ҳукуматимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Бу борада Қашқадарё вилояти ҳокимлиги фаол. Жамғарма 2005 йилда нодир ёдгорлигимиз «Темур тузуклари»ни нашрдан чиқарди. 2010 йилдан бошлаб Халқаро Амир Темур жамғармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси нашри сифатида чоп этилаётган «Соҳибқирон юлдузи» журнали ўз саҳифаларида жумладан, таниқли темуршунос олимлар, адиблар асарларини мунтазам равишда бериб бормоқда. Бунда бир қатор ташкилотлар — Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзмевасабзавотхолдинг» компанияси, «Шўртангаз» корхонаси, Агробанк яқиндан кўмак бермоқда.

Узоқ ўтмиш, бой тарихимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш, улкан маданий-маънавий меросимизни ўрганиш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги ҳаммамизга маълум. Шуни ҳисобга олиб, ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан йигирмага яқин илмий китоблар нашр этилди. Улар орасида "Темур тузуклари»нинг бир неча(ўзбекча, русча, французча, инглизча, форсча) нашрлари, Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темурни ёд этиб», «Соҳибқирон» (ўзбек, рус, инглиз тилларида), «Амир Темур дарслари», У.Уватовнинг «Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида», муаллифлар жамоасининг «Амир Темур (жизнь и общественно-политическая деятельность)», Ирпон Тўхтиевнинг «Амир Темур ва Темурийлар молия-пул сиёсати» албоми, «Амир Темур танбеҳлари» «Амир Темур сабоқлари» — 1-2-3 китоблар (илмий анжуман материаллари), «Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари», «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» (Хоразмдаги илмий анжуман материаллари), «Амир Темур солномаси» каби китоблар бор. Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда истеъдодли рассомларни темурийлар, хусусан, темурий маликалар сиймоларини яратиш жараёнига жалб этилди.

Жамғарма илмий кенгаши аъзолари, унинг атрофида уюшган олимлар, фаоллар илҳоми ва шижоати билан нашр этилаётган илмий, тарихий ва бадиий асарлар ҳам талайгина. Чунончи, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» (нашрга тайёрловчи ва таржимонлардан бири Асомиддин Ўринбоев), Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», шу асарнинг рус тилига таржимаси(таржимон Ашраф Аҳмедов), Абдураззоқ Самарқандий таълиф этган «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» - 2-жилд, 1-2 қисмлар(форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Асомиддин Ўринбоев), Р.Г.Клавихонинг «Амир Темур саройига саёҳат» (таржимон Очил Тоғаев), Ҳофиз Таниш Бухорий қаламига мансуб «Абдулланома», 1-2-китоблар (форс тилидан Содиқ Мирзаев ва Юнусжон Ҳакимжонов таржимаси, илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Бўрибой Аҳмедов), Пиримқул Қодировнинг "Амир Темур сиймоси», Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур», Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Ҳамид Зиёевнинг «Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири», Турғун Файзиевнинг «Темурийлар шажараси», Э.Ртвеладзе ва А.Саидовларнинг «Амир Темур в зеркале мировой науки» (рус ва инглиз тилларида), Амриддин Бердимуродовнинг «Гўри Амир мақбараси», Пирмат Шермуҳамедовнинг «Хонзода хоним ёҳуд Соҳибқирон келини», Тўлқин Ҳайитнинг «Вафо маликаси», Ҳаким Сатторийнинг «Ҳазрат Соҳибқирон» каби турли жанрларда битилган асарларни келтириш ва уларнинг ҳар бири ҳақида батафсил тўхталиш мумкин.

Шу ўринда Ҳамид Зиёевнинг «Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири» китоби, аниқроғи, «Амир Темур томонидан Қуръони каримнинг асл нусхасини келтирилиши» мақоласи ҳақида тўхталиб ўтсам. Маълумки, Қуръони каримнинг Амир Темур томонидан келтирилганлиги исбот талаб қилмайдиган факт. Лекин нодир ёдгорликнинг қаердан олиб келинганлиги баҳсларга сабаб бўлади. Турли фикрларга қараганда, Қуръони карим гоҳ Басрадан, гоҳ Туркиядан келтирилган деб талқин этилади. Лекин олимнинг аниқлашича, Қуръони карим Амир Темур томонидан Олтин Ўрдадан олиб келинган экан. У бу ҳақда В.Г.Тизенгаузеннинг 1884 йилда Москвада нашр этилган «Олтин Ўрда тарихига доир материаллар тўплами» 1-жилдидан иқтибос келтиради ва Қуръони каримнинг Амир Темур томонидан Олтин Ўрдадан олиб келинганини ишончли далиллар билан исботлайди.

Жамғарма ўз фаолиятида хайрия ишларини ҳам олиб боради. 1996 йилдан 2010 йилгача 9 527 000 сўм маблағ хайрия қилинди. (Вилоят бўлимларида қилинган хайриялар бунга кирмайди). Хайрия кўрсатилган ташкилотлар ичида Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, Ш.Рашидов номидаги кўзи ожиз ногиронлар ташкилоти ва бошқа жамоат идоралари бор.

Жамғармада «Амир Темур библиогарафияси»га материал тўплаш ишлари давом эттирилмоқда ва ҳозиргача 14.000 та турли хорижий тиллардаги асарлар, мақолалар, тадқиқотлар номлари аниқланиб, рўйхатга олинди. «Амир Темур кутубхонаси»ни ташкил этиш(ҳозиргача икки юздан ортиқ хорижий тилларда чиққан китоблар, Амир Темур ҳақида ёзилган асарлардан олинган нусхалар тўпланган), «Амир Темур фаолияти» электрон базасини яратиш жамғарма фаоллари олдида турган қутлуғ вазифаларга киради.

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси фаоллари Улуғ Соҳибқирон руҳини шод этиш йўлида ўз изланишларини янада чуқурлаштиришда, буюк бобомиз ҳаётини жаҳонда тарғибу ташвиқ қилишда, уни халқимизга янада яқинлаштиришда бор кучини сафарбар этишига асло шубҳа йўқ.

Муҳаммад АЛИ,
Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

● Орамиздаги одамлар

Баҳром Рустамов 1924 йилда Косон туманининг Фудина қишлоғида таваллуд топган. Унинг деярли барча тенгдошлари иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Мен Баҳромхон бободан сиз нега урушга бормагансиз, дея сўраганимда у:

Паравозчи бобо

— Қишлоғимизда ягона тракторчи эдим. Катта-ю-кичик барча ватан ҳимоясига отланишди. Колхоз раиси тракторни бошқарадиган бошқа одам йўқлиги учун урушга боришимга рухсат бермади. Ахир, урушдаги жангчиларга озиқ-овқат етказиб бериш ҳам зарур эди-да!

50-йилларда Бухоро вилоятининг Когон туманида паравоз ҳайдовчилиги бўйича олти ойлик курс очилди-ю, Баҳромнинг юрагига яна ғулув тушди. Техника жиловкори эмасми, ҳеч иккиланмай паравозчилар мактабига кириб ўқиди. Ўқишни тугатиб, Ўрта Осиё темирйўлларига қарашли Қарши темирйўл депосида ишлай бошлади. 30 ёшли Баҳромжон аввалига тажрибали паравозчи Ибодулла Муфтуллаевга шогирд тушди. Қарийб 20 йиллар паравоз (кейинчалик тепловоз) бошқарди. Қарши-Душанбе, Қарши-Москва йўналишлари бўйича қатнади. Халқ хўжалиги юкларини ташишда, йўловчиларни манзилига етказиб қўйишда астойдил меҳнат қилди. Узоқ йиллар Қарши темир йўл депосида ҳам ишлади. Паравозчи бобо номини олди.

Яқинда у 87 ёшга қадам қўйди. 12 нафар ўғил-қиз, 60 нафар невара, 20 нафар чевара даврасида замона шукрини қилиб яшамоқда.

Худойберди НАЗАРОВ,
меҳнат фахрийси

«...Юртидан айрилган ўлгунча йиғлар»

«Умринг мақолдек мазмунли ўтсин!». Устоз журналист Маҳмуд Саъдиновнинг «Ўзбек халқ мақоллари» китобига мен учун ёзиб берган тилакларини ўқирканман, бу ниятнинг таг замиридаги маънонинг залворини ҳис қиламан. Албатта, умрни мақолдек мазмунли ўтказиш осон иш эмас. Бунинг учун инсон оромидан кечиб куну-тун меҳнат қилмоғи, муқаддас ватанининг эртасини бугунгидан-да порлоқ қилиш умидида яшамоғи лозим.

Мақолларни болалигимдан яхши кўрардим. Ўқувчилик чоғларимда бирор тадбир йўқ эдики, халқ мақолларидан мисоллар келтирмасам. Аслида ҳам мақоллар шундай бир безакдирки, бир оғиз сўз маъносини таҳлил қилиш учун катта бир китоб ёзиш мумкин.

«Мақоллар кўп асрлик ҳаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзида қатъий қутбийликда ифодалар экан, уларда ҳар бир сўзнинг маъно хилма-хиллиги, ибораларнинг турғунлиги, шаклий барқарорлик устунлик қилади, — дейилади «Ўзбек халқ мақоллари» китобида. — Уларда бир сўзнинг ўнлаб маъно қирралари, бадиий тасвир воситалари, поэтик кўчимларининг барча намуналарини учратиш мумкин. Мақоллар сўз санъати маҳсули сифатида ўз маъносида, кўчма маънода ва ҳар иккала маънода қўлланиши мумкин. Шунинг учун уларда бадиий-тасвирий воситаларнинг хилма-хил шаклларига дуч келамиз».

Ватан ва ватанпарварлик мавзусидаги мақоллар, айниқса, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. «Ёридан айрилган етти йил йиғлар, юртидан айрилган ўлгунча йиғлар», дейилади бир мақолда. Бунинг мағзини чақишга ҳаракат қиларканмиз, шоир бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мазкур сатрлари ёдимизга тушади:

Толеъ йўқи жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.

Чиндан ҳам инсон умри давомида яхши-ёмон кунларни бошидан кечиради. Гоҳ қувониб, гоҳ йиғлайди. У ҳар қанча азоб уқубатга чидаши, тақдирнинг оғир-енгил зарбаларига чидаши мумкин, аммо ватандан узоқда яшашга тоқат қилолмайди. Чунки ватан инсон учун ҳамма нарсадир. Шу сабаб халқ яна бир донишмандона фикрни ўртага ташлайди. «Туғилган ердан кўнгил узилмас, юрт қўриганнинг юрти бузилмас». Бугун бу ҳар жиҳатдан глобал масалага айланиб бормоқда. Чунки, қайси бир оммавий ахборот воситасини кузатманг, дунёда бўлаётган хунрезликлар, зилзила-ю, офатлардан хабар бериб хаёлларимизни тўзғитиб қўймоқда. Олимларимиз одамлар мушкулини осон қилиш учун турли техника воситаларини яратгани сайин вақт етишмовчилиги ортмоқда. Бу бизни ўйлашга, янада кенгроқ мушоҳада қилишга ундаётгандек. «Қуш ҳам кетса келади, ўз юртини севади». Ватан шундай бир муқаддас даргоҳки, инсон тугул, ҳаттоки, ерда юрган қурт-қумурсқалардан тортиб қўкда учган қушларда ҳам ватанга ўзгача муҳаббат бор. Зеро, улар қишнинг изғиринли кунларида мажбурликдан узоқ ўлкаларга учиб кетсалар-да, баҳор келиши билан ортга қайтишади.

«Эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар». «Юрт эгаси йўлбарсдир, олдиргани қўймасдир», «Эл куюнганда куюнган — ботир, эл суюнганда суюнган — ботир», «Душманга нафрати бўлмаганнинг, ватанга муҳаббати бўлмас», «Эл бор бўлса, эр хор бўлмас, эр бор бўлса, эл хор бўлмас» каби мақолларимизда ҳам умрга татигулик маънолар бисёр.

Ҳаётда ҳар қандай хазина бир кун келиб тугаши мумкин. Аммо халқ мақоллари битмас-туганмас хазинадир. У кундалик турмуш тарзимизга таъсир ўтказа олиши билан ҳам ғоят қадрлидир.

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган сурат

Хазина

Insonga naf keltirish - oliy baxt
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Federation of Trade Unions of Uzbekistan

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Toshev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -21.40

Буюртма Г — 451

20513 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2345